

УДК 631.4

МОЙЛИ ЭКИНЛАРНИНГ ЎТЛОҚИ АЛЛЮВИАЛ ТУПРОҚ ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ

Фахрутдинова М., Мирахматова Д., Алибоева М.

Мирто Улутбск номидаги Ўзбекистон Миллий университети

E-mail: mashkura.fakhrutdinova@mail.ru

Ўзбекистон Республикасининг сугориладиган ерларида етиштириладиган жуда кўп кишлок хўжалик экинлари, жумладан гўза, беда, донли экинлар бўлиб, уларнинг тупроқ хоссаларига таъсири мойли экинларга нисбатан яхши ўрганилган. Адабиётлар тахдил қилинганда шундай хулоса қилиндики, мойли экинлар-купгабоқар, ерёнғоқ, соя, кўнжут кабиларнинг тупроқ хоссаларига таъсири жуда кам ўрганилган. 111уни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги 10 йил ичида республикада мойли экинларни етиштиришга катта эътибор кучайтирилди. Шу нуқтаи назардан мойли экинлар таъсирида тупроқда кечаётган ўзгаришларни ўрганиш катта аҳамиятга эгадир.

Мойли экинларнинг тупроқ хоссаларига таъсирини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон мойли ва толали экинлар тажриба станциясининг суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида тадқиқот ишлари олиб борилди. Бу мақсад учун 2 та фон танланиб, биринчи фон кейинги 6 йилда беда экини билан банд бўлган ўтлоқи аллювиал тупроқ. Бу фонни экишга гайёрлаш учун шудгор вақтида минерал ва органик ўғит, шунингдек гўнг солинмади, фақат ер малхами солинди. Иккинчи фон - эскидан сугориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқ- Бу фонга турли меъёргада минерал ва органик ўғитлар билан биргаликда гектарига 10, 20 г. гўнг берилди.

Ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг хоссаларига мойли экинларнинг таъсирини ўрганиш мақсадида тажриба майдонларидан экишдан олдин ва вегетация охирида 0-30, 30-50 см. чуқурликдан намуналар олинди ва уларнинг лабогаторияда тахдиллари қилинди.

Даставвал биринчи фонда, яъни ўғит.чар қўлланилмаган, фақатгина ер малхами ишлатилган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг гумус миқдори ва асосий озика элементлари миқдорининг ўзгаришини кўрсатувчи тажрибалар натижасини тахдил қиламиз ва бу маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. 2-жадвалда келтирилган рақамлардан кўрипадики, биринчи фондаги қатламда гумус 2,36 %, хдйдалма ости қатламида эса 1,71 % га тенг. Шунга мутаносиб ҳолда умумий азот ва фосфор ҳам юқори кўрсаткичларга эга. гумуснинг 0-50 см қатламдаги заҳираси 143,46, азотники 13,23 т/га га тенг. Бу албатта қарийб 30 йил давомида ут ўсимликлар, айниқса кейинги 6 йил давомида беда билан банд бўлганлиги натижасида ҳосил бўлган деган фикрдамиз.

Мойли экинлар етиштирилган ўтлоқи-аллювиал тупроқларда гумус ва озиқа элементлари микдорини ўзгариши (3 қайтариқда ўртача)

Вариантлар	Чукурлиг и, (см)	I VMV C, (%)	Умумий, (%)			Захира, (т/га)		
			азот	фосфо р	кали й	Чукур л	гумус	Азот
		Мойли экииларни экишдан олдин						
Контроль	0-30	2,36	0,22	0,229	3,01	0-30	95,58	8,95
	30-50	1,71	1	0,183	2,10	30-5	47,88	4,28
Кунгабоқар, вегетация охирида								
Ўгитланмаг ак	0-30	2,24	0,16	0,213	3,0	0-30	82,62	6,80
	30-50	1,12	8	0,175	1,92	30-5	31,36	3,08
Ер малҳами	0-30	2,31	0,18	0,230	2,37	0-30	93,56	7,57
	30-50	1,75	7	0,185	2,15	30-5	49,00	4,54
Зрёнғок, вегсация охири								
Ер малҳами	0-30	2,45	0,21	0,229	2,99	0-30	99,23	9,07
	30-50	1,87	6	0,193	1,89	30-5	52,36	4,82

Энди, тажриба майдони ўтлоқи аллювиал тупроқлар гумуси ва озиқа элементлари микдорининг айрим экинлар кунгабоқар, ерёнғок.чарини етиштириш вақтидаги ўзгаришларига эътибор қиламиз. Бироқ биоўгитлар кулланилган вариантларда гумуснинг камайиши кузатилсада, у кичик рақамлар (0,05-0,08 %) уртасида ўзгаради. Умумий азот ҳам шунга боғлиқ ҳолда камаяди. Умумий ҳисобда ўгитланмаган фонда 0-50 см. катламда гумус захираси 29,48 т/га, ер малҳами қўллаңилган фондэ гумус 0,9 т/га, азот 2,02 т/га кўпаяди. Ерёнғок билаи олиб борилган вариантларда 0-50 см да ер малҳами қўлланилганда гумус 8,13; азот 0,66 т/га га кўпаяди. Экинлар вегетация даврида 3 марта сугорилди. Вегетация даври охирида тупроқларнинг агрокимёвий хоссалари, яъни гумус ва озиқа элементлари микдори қайта аниқланди. Лаборатория таҳлиллари натижасида кўйидаги маълумотлар олинди. Тупроқинг хайдадма ости қатламида гумус миадори 1,17 %, умумий азот 0,153 %, умумий фосфор 0,172 %, умумий калий 1,89 % ни ташкил қилади. Кунгабоқар вегетацияси даврида тупроқда мавжуд гумус ва озиқа элементлари захираси бироз камайсада, аксинча ерёнғок экилган вариантларда эса тупроқ гумусининг ҳолатинг ва умумий азотнинг вегетация охирида кўпайтириш, ҳеч булмаганда уларнинг захирасини барқарорлаштиришга олиб келади. Шу нуқтаи назардан ерёнғок, қолаверса соя экинини турли фон ёки мойли экинлар етиштирилган ерларда ўтмишдош экин сифатида экишни тавсия қиламиз. Уларга алмашлаб экиш орқали ерларнинг гумусли ва агрегатли ҳолати ҳамда озиқа режими яхшилаш мумкин.

Адабиётлар

1. Мингбоев Ш. Типик бўз тупрокдар минтақасидаги сугорилэдиган ўтлоқи-аллювиал тупроқларнинг ҳозирги гумусли ҳолати ва уни ошириш муаммолари. Республика илмий амалий конф. материаллари. Навоий, 2006. Б. 187-189. '
2. Турсунов Л., Анарбаев И., Мингбоев Ш. Аллювиал тупроқлар, Тошкент, 2010, Б. 20-35.